


**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**“Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси  
бошлиғи”**



*[Signature]*  
3.Мамаджанова

*“07” Сентябр* 2022й

**БУЮРТМАЧИ:**

**«Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси»**

Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси  
худудида ичимлик суви тармоғини жорий  
таъмирлаш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Уйчи туман-2022**

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси ҳудудида ичимлик суви тармоғини жорий таъмирлаш учун хизмат кўрсатувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 49 207 148 сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – шартнома тузилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **“Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси”** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160801, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Уйчи туман, А.Темур кўчаси, 34-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишларни бажариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.



«Тасдиқлайман»

Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

З.Мамаджанова

« 09 » Сентабр 2022 йил

Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси худудида ичимлик суви тармоғини жорий таъмирлаш

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Маълумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Объект номи	Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси нефрология ва гемодиализм биносини жорий таъмирлаш
2	Буюртмачи	Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси
3	Объект жойлашган манзил	Уйчи туман А.Темур кўчаси № 34 уй
4	Катнашувчилар учун талаблар	<ol style="list-style-type: none"><li>1-шакл Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати ва Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар</li><li>2-шакл Охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан) Танлов иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот</li><li>3-шакл Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар. Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20% кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси</li><li>4-шакл Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. ва иштирокчи рейтинги</li><li>5-шакл Қурилиш-монтаж ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати</li><li>6-шакл Қурилиш объекти ва тақдим этилган лойиха-смета ҳужжатларини ўрганганлик тўғрисидаги маълумотнома</li><li>7. Иштирокчилар томонидан ишни бажарилишидаги маҳаллий ресурсларни баҳолаш таклиф ҳужжатларини тасдиқланган холда тақдим этилиши.</li></ol>
5	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	<ol style="list-style-type: none"><li>1-шакл Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати ва Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар</li><li>2-шакл охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги</li></ol>

		<p>хисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан) Танлов иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот</p> <p>3. 3-шакл Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар. Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси</p> <p>4. 4-шакл Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. ва иштирокчи рейтинги</p> <p>5. 5-шакл Қурилиш-монтаж ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати</p> <p>6. 6-шакл Қурилиш объекти ва тақдим этилган лойиха-смета ҳужжатларини ўрганганлик тўғрисидаги маълумотнома</p> <p>7. Иштирокчилар томонидан Ишни бажарилишидаги маҳаллий ресурсларни баҳолаш таклиф ҳужжатларини тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши.</p>
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Объектда бажарилган таъмирлаш ишлари учун тузилган Ф-3 ҳамда Ф-5 ҳисоб-фактура ҳужжатлари бўйича тўлаб берилади.
7	Иш тури	Буюртма асосида бўлим томонидан тайёрлатилган лойиха сметасида белгиланган ишларни бажариш
8	Ишни бажариш муддати	Белгиланган муддатда (ўз вақтида)
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этиш.
10	Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет
11	Ҳисоб-китов қилиш (валюта)	Сўм
12	Расмийлаштириш тили	Ўзбек тили

Инженер:



С.Нозматов